

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 149 (10.202)

2004 ЙИЛ 4 АВГУСТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ- АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСINI БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 2 мартдаги ПФ-2815-сон Фармонида мувофиқ темир йўл транспорти соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусийлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантириш жараёни изчил амалга оширилаётганини қайд этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси тизимида йўловчиларни ташиш бўйича «Ўзтемирийўлйўловчи», юкларни контейнерларда ташиш бўйича «Ўзтемирийўлконтейнер» ва рефрижератор вагонларида ташиш бўйича «Йўлрефтранс», йўловчи ташиш вагонлари ва юк вагонларини таъмирлаш корхоналари акциялаштирилди. Юк ва йўловчилар ташиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳўжалик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушлари тўлиқ сотилди.

Темир йўл транспортини бошқаришда функционал ва ҳудудий ёндашувларнинг ўзаро яқин алоқасини таъминлайдиган минтақавий темир йўл узеллари барпо этилди. Ҳаракатдаги таркиб таъминоти, уни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ва унинг базаси мустаҳкамланди.


Айни вақтда юк ва йўловчилар ташийдиган, йўловчиларга хизмат кўрсатуви ва хизматлар кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотларни хусусийлаштириш суи амалга оширилмоқда. Хорижий инвесторлар хусусийлаштириш жараёнида етарлича фаол жалб этилмаяпти. Транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳити ханузгача шаклланимаган. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислох қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ темир йўл транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва мақбуллаштириш талаб этилади.

Давоми 2-бетда.

Мустақиллик йилларида гўзал, муҳташам, мустаҳкам қурилиш объектлари қўллаб қўрилиб, шаҳримиз кўрқига кўрк қўшмоқда. Бунёдкорликда самарали қўлланаётган сифатли, кўркам, рақобатбардош ром, эшик, витражлар Шайхонтохур туманидаги «Generous» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг малакали ишчиси Расул Иброҳимов иш жараёнида.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҲАРАКАТЛАРНИ ЖИПСЛАШТИРИШ КЕРАК

Ўзбекистонда амалга оширилган террорчилик ҳуруж халқаро жамоатчилик қаҳрини уйғотди. Қўллаб мамакатлардан келаятган мактубларда Ўзбекистон халқига, тинчлик ва барқарорликка қарши қаратилган жиноий ҳаракатлар кескин қораланимоқда.

«Мазкур зўравонлик муносабати билан Исроил ҳукумати номидан Ўзбекистон ҳукумати ва халқига билдираётган чуқур ҳамдардчилигини қабул қилгайсиз, - дейди Исроил бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири С.Шаломов. - Қурбон бўлганларнинг оилаларига таъзимини, яраланганларга эса тезроқ соғайиб кетиш тилагини етказишингизни сўрайман.

Исроил нафақат бевосита нишонларга, балки Ўзбекистонга зарар етказиш ва бутун жаҳондаги нормал ижтимоий вазиятга қарши қаратилган ушбу террор ҳуружини кескин қоралайди.

Жаҳон давлатлари ушбу глобал душманга қарши бирлашишлари керак. Террордан сиёсий мақсадларига эришиш йўлида фойдаланаётган кимсаларнинг уринишларини бартараф қилиш учун барча жаҳонлардаги сай-ҳаракатларни жипслаштириш керак».

Бельгия ташқи ишлар вазири К.Де Гюхт ҳам ўз баёнотида Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларини қатъий қоралаган. У қурбон бўлганлар оилаларининг барча аъзолари, Ўзбекистон ҳукумати ҳамда республикамиздаги Исроил ва АҚШ дипломатик ваколатхоналарига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистонда террорчилар томонидан содир этилган янги ҳуруж ҳақидаги хабарни ГФР ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари қоралаш руҳида қабул қилишди.

«Тошкентдаги портлашлар халқаро терроризмнинг асл башарасини очиб ташлади. Шу боис бугун барча мамлакатлар-

нинг унга қарши сайи-ҳаракатларини мувофиқлаштириш керак, - дейди Немис археология институти вице-президенти, профессор Д.Хуфф. - Ўзбекистон нафақат буюк маданият мамлакати, балки «Авесто» ватани ҳамдир ва у уч минг йиллик цивилизацияга эга. Бу ерда зўравонликни тан олмайдиган халқ яшайди. Ўзбек халқи ўз чекига тушган бу оғир синовдан ёруғ юз ва матонат билан ўтишига ишончим комил».

Германиянинг таниқли «Мэриам» журнали махсус муҳбири М.Вебер Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги хабар Ўзбекистонга беварқ бўлмаган барча инсонларда қайғу ҳисларини уйғотганини қайд этган. У ушбу воқеалар ўзбек халқининг бой маданияти, мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти ҳақида материал тайёрлаш ниятида октябрь ойида республикамизга режалаштирган ижодий сафарига таъсир ўтказо олмаслигини билдирган.

Республикадаги фожеавий воқеаларга собиқ ватандошларимиз ҳам беварқ қолишмади. «Қадрдон заминдаги портлашлар мени ларзага келтирди, - дейди илгари Самарқанда яшаган, ҳозир йирик «Шлоппер райзен ГмбХ» сайёҳлик компаниясига раҳбарлик қилаётган В.Шлоппер. - Террорчиларнинг Ўзбекистондаги тинчлик ва оқоийшталарни бузишга қаратилган уринишларидан қатъий назар, бизнинг компания Германиядан Ўзбекистонга ташриф буюраётган туристларнинг сонини оширишдаги сайи ҳаракатларини кучайтираверади».

«Жаҳон» АА

ХХР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИДАН

Хитой томони Тошкентдаги террорчилик ҳуружларидан ташвишга тушди, Ўзбекистондаги вазият ривожини диққат билан кузатишда ва ушбу жиноий ҳаракатларни кескин қоралайди.

ХХР ҳукумати терроризмнинг барча кўринишларига қарши чиқади. Хитой томони Ўзбекистон ҳукумати-ни терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда аввалгидек оғишмай қўллаб-қувватлайверади.

Хитой Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон оқоийшталар ва ижтимоий барқарорлигини сақлаб қолишига ишонади.

«Жаҳон» АА

XXI саҳоси

Барча мамлакатлардан
олиятай сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

• Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислох қилиш ва тadbirkorлик кўмитаси Урганч шаҳрида сайёр йиғилиш ўтказди. Унда «Товар бозорида» монополистик фаолиятни кечлаш ва рақобат тўғрисидаги Қонуннинг Хоразм вилоятидаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.

• Мустақиллик байрами арафасида республикамизнинг маънавий ҳаётида янги нашр юзга келди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти томонидан таъсис этилган «Фалсафа ва ҳуқуқ» журналининг ilk сони босмадан чиқди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида оролбўйлик газчилар билан Россия Федерациясининг «Газпром» компанияси мутасаддилари ўртасида расмий ўчрашув бўлиб ўтди. Мулоқот «Шахлати» табиий газ қонидан биригилдида фойдаланиш масалаларига бағишланди.

• «Маънавият ва маърифат» марказининг Андижон вилоят бўлими ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси шаҳар бўлими ҳамкорликда Андижондаги болалар истироҳат богида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида дўстлик байрамини ташкил этишди.



Жаҳонда

• АҚШ хавфсизлик хизмати раҳбарлари разведка маълумотларига таянган ҳолда, «Ал-Қоида» гуруҳи томонидан Вашингтон ва Нью-Йорк штатларининг молиявий секторига қарата ҳужум уюштириш хавфи мавжудлигини ва юз бериши мумкин бўлган ҳужумнинг олдини олиш мақсадида юқори хавфсизлик чоралари кўриляётганлигини билдирди.

• Украинада мамлакат президенти ўчун сайлов кампанияси бошланганлиги расман маълум қилинди. Мамлакат конституциясига биноан амалдаги Президент Леонид Кучма бу сафар ўз номзодини кўрсата олмайди.

• Суданнинг Дарфур музофотида юзга келган этник можаролар сабабли Франция ўзининг 200 нафар ҳарбийларини ушбу музофот билан ёнма-ён жойлашган Чад чегарасига жойлаштирди.

• Польшада фашист босқинчиларига қарши кўтарилган Варшава исёнининг 60 йиллиги тантанали нишонланди. Ушбу тантанада қатнашиш учун Варшава Германия Канцлери Герхард Шрёдер ва АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл ташриф буюрдилар.

ПОЙТАХТНИНГ Дир кўни

Янгиликлар, воқеалар

Қиёфа

• КЕЧА Фафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат богида Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган тадбир «Маҳалла кўни»га бағишланди.

• ТОШКЕНТ шимолий темир йўл вокзалдан «КОСАН» жамғармаси ташаббуси билан Қашқадарё вилоятига озиқ-овқат, дори-дармон маҳсулотлари, урин-кўрпа анжумлари, дезинфекцияловчи воситалар ор-

тилган саломатлик поезди жўнаб кетди.

• ТОШКЕНТ лок-бўёқ заводи» очик турдаги, акционерлик жамиятига Хиндистон, Германия ва Польшадан замонавий технологиялар келтирилди.

• БЕКТЕМИР туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар ҳамда Бектемир туман Кенгаши ҳамкорликларида туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари иштирокида ташкил этилган тадбир «Икки палатали парламент сайловларига тайёргарлик» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Иқтисодий**МАҲСУЛОТ
ТУРЛАРИ
ОШМОҚДА**

Туркия билан ҳамкорликда 2000 йил ташкил этилган «Осиё-Батарея» кўшма корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардорлиги билан Ўзбекистонда еттинчи ҳисобланади.

Асосан автомобиль транспортлари учун аккумуляторлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона бир вақтининг ўзида Туркиядаги «Лас-са» фирмасининг юртимиздаги бирдан-бир дистрибютори. Корхона ташкил этилган ҳафтада йилларда зарур ашёнинг юз фоизи четдан келтирилган бўлса, эндиликда 65 фоиз хом ашё маҳаллийлаштирилган.

Айни пайтда корхонанинг сетка куйиш, сувоқ, монтаж, қувватлаш ва тегирмон цехларида босқичма-босқич ишлаб амалга оширилмоқда. Маҳсулотнинг ҳар бир бўлак ва қисмлари ушбу цехларда тайёрланиб йўллади.

— Корхонамизда 75 нафар ишчи-мутахассислар иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзларига тегишли вазифани бажарилади, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Зупаров. — Ҳозирда корхонамизда «Чкалов» номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик компанияси билан шартнома асосида полистилен қутилари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, яқин орада полиэтилен ва жакуза ванналар, дераза тоқчалари, лаборатория стол-стуллари тайёрлаб сотувга чиқариш ниятида. Келгуси режаларимиздан тўқимачилик маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқариш урин олган.

**КОРХОНА
УЧУН
КОЛИПЛАР**

Шахримиздаги «Ало-аллах» фирмаси «ЎзДЭУавто» кўшма корхонаси учун бир неча турдаги пласмасса колиплар тайёрлаб бермоқда.

Асосан пласмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган корхона айни пайтда республикамиздаги «Емгойтамаксаноат» уюшмасига қарашли ёғ заводларида қадоклашда ишлатиладиган қопқоқлар, «Астера» дори ишлаб чиқариш корхонаси учун идишлар оғзини беркитувчи маҳсул қопқоқлар, қурилиш материаллари зарур электр тақсимловчи қутилар тайёрланмоқда.

Корхонада шунингдек, қўроғини қотишмасидан намлиқни ўтказмайдиган ва чидамли кабелъ қўлқоплар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Фирмада Хитой бюртмассига кўра электр токини ўлчаш асбоблари учун пластмасса қутилар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилиб, замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар турларини яна бир неча баробарга ошириш режалаштирилган. Келгусида Россия ва Украина давлатларидаги ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш ниятида янги режалар тузилмоқда.

ОРЗУГУЛ РУСТАМОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ****«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»
ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСINI
БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Давоми. Боши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармони билан бажариш юзасидан ҳамда хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш ва транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, юк ва йўловчилар ташиш бўйича хизматлар даражасини ва сифатини ошириш, темир йўл транспортини бошқариш тузилмасини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР** қилади:

1. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси темир йўл транспорт соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ монополиядан чиқариш, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, ташувлар жараёнини бевосита таъминловчи, юк ва йўловчилар ташишда хизматлар кўрсатувчи, тармоқ корхоналари ва ташкилотларига хизмат кўрсатувчи корхоналар функцияларини аниқ тақсимлаш, бозор принциплари ва механизмларини бошқариш ва хўжалик юритиш тизимига кенг жорий этиш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда: «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси тизимига қирадиган корхоналар ва ташкилотларни акциялаштириш ва хусусийлаштириш, шу жумладан хусусий мулк этиб сотиш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қароридан белгиланган ҳамда 2003-2004 йилларда корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурида тасдиқланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин;

икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, хусусийлаштирилмайдиган ва хусусий мулк этиб сотиладиган корхоналар, энг аввало, йўловчиларга хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган темир йўл вокзаллари сонини кўпайтириш ва доирасини кенгайтириш, шунингдек хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича аниқ тақлифлар киритсин.

3. Қуйидагилар: «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппаратининг тузилмаси; минтақавий темир йўл узелларининг ташкилий тузилмаси ва уларнинг бошқарув аппарати намунавий тузилмаси маъқуллансин.

4. Қуйидагилар «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, ташишлар хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини ошириш;

моддий-техник базани мустаҳкамлаш, темир йўллар тармоғини янада ривожлантириш ва уларнинг хизмат кўрсатиш имкониятини ошириш, илғор технологияларни ва менежментнинг замонавий методларини кенг жорий этиш;

ҳаракатдаги таркиб, йўл хўжалиги, энергия таъминоти, сигнализация ва алоқа тизимини замонавийлаштириш ва такомиллаштиришга, шунингдек тармоқ саноат корхоналарини технология жиҳатидан қайта жиҳозлашга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, компания корхоналарига ахборот хизматлари кўрсатиш ҳамда ички ва ташқи бозорда уларнинг рақобатбардорлигини ошириш масалаларини ҳал этишда кўмаклашиш;

қадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 154 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 120 нафар этиб белгилансин.

Қуйидагиларга: акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши функциясини бажарувчи Компания кенгашига «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раисига, зарурат бўлганда, компаниянинг ижро этувчи аппарати тузилмасига, минтақавий темир йўл узелларининг ташкилий ва намунавий тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси Кенгаши бир ой муддатда янги тахрирдаги уставни тасдиқласин ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 3 август.

ИБРАТЛИ ЙИГИТЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактабида «Энг ибратли йигит» танлови яқунланди.

«Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда курсантлар етти йўналиш бўйича ўзаро куч синашди. Улар маънавий етуклик, тадбиркорлик, оилада эркакнинг ўрни, экологик мувозанатни сақлашда йигитлар зиммасидаги масъулият, Ватан ҳимоясига тайёргарлик юзасидан билим ва кўникмаларини намойиш этди.

Таълим**ЎҚИТИШГА ЯНГИЧА МУНОСАБАТ**

Пойтахтимиздаги кўпгина мактабларда янги ўқув йилига пухта тайёргарлик қўриб қўйилди. Тошкентдаги 162-мактабда олиб борилган тўб таъмирлаш ишлари муддатидан илгари тугалланди.

Натижада билим ўчоғида ўқитишнинг қатор янги йўналишлари юзга келадиган бўлди. Педагогик жамоа ота-оналар билан бамаслаҳат иш тутиб, ўқув дастурига янги дарсларни киритишга қарор қилди.

Юқори синфда ҳуқуқшунослик фанидан йиллик имтиҳон ўтказилади. Бошланғич

таълимда ҳам янгиликлар юз беради. Чунки, биринчи синфларда математика, тилшунослик ёки спорт таълими кенг йўлга қўйилди.

Булар шубҳасиз давр талаби натижасидир.

Аббос БОТИРОВ

**Мустақиллик**

— менинг

тақдиримда

**ШУ ЮРТ
ФАРЗАНДИМАН**

Гликерья КИМ,
Ўзбекистондаги корейс миллий-маданий марказлари Ассоциацияси раёсатининг аъзоси:

— Мен Ўзбекистонсиз ўз бахтимни тасаввур қила олмайман. Чунки, шу ерда туғилиб ўсдим, ўқидим, таълим-тарбия олдим, оилали бўлдим ва энг муҳими, ушбу файзли гўшада тинч, эмин-эркин яшайман. Энди менинг келажақ ҳаётим ҳам шу Ватан келажағи билан чамбарчас боғлиқ.

1997 йилда ўзимнинг тарихий ватаним бўлими Жанубий Кореяга сафар қилдим. Лекин орадан бир ҳафта ўтмасданок мен она-Ватаним — Ўзбекистонимни соғина бошладим. Демак мен учун дунёда Ўзбекистондан кўра азизроқ жой йўқ. Тўғри, мен ўз миллатимни севаман. Меҳнатқаш корейс халқининг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Лекин шунга қарамай Ўзбекистон ҳаётим маъносига айланган.

Яна шуни ҳам айтишнинг кераки, Ўзбекистон менга қандай азиз бўлса, унинг мустақиллиги ҳам менга шундай қадрли. Мустақиллик туфайли мен ўз миллатимни, миллий қадриятларимни таний бошладим. Илгари мен ўз она тилимда ҳатто исимимни ҳам ёза олмасдим. Мустақиллик шарофати билан корейс тилини ўргандим. Кореяга сафар қилиб, тарихий Ватаним, миллатдошларим билан танишиш бахтига муяссар бўлдим.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг кўпгина туманларида корейс тилини ўрганиш марказлари ташкил этилган ва энг қувончлиси, бу марказларда корейс миллати билан бирга бошқа миллатлар вакиллари ҳам таълим олишяпти. Бу эса миллатлараро тотувлиқнинг яққол тимсолидир. Миллий истиқлол гоёси тавақат ана шундай таълим марказларида, балки барча соҳаларда, миллати ва этникидан қатъи назар бутун Ўзбекистонликларни бирлаштирувчи воситадир. 130 дан ортиқ турли миллат вакиллари билан бир оила фарзандларидек тотув ва иноқликда умргузaronлик қилишларининг асл сабаби ҳам шунда бўлса керак. Чунки, миллий гоё шу заминда яшаватган барча инсонлар бахтини, иқболини кўзловчи, фарзандларимизни камолот сари етакловчи эзгулик ва бахт-саодат гоёсидир.

Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг барчасини бирлаштириб турувчи миллий истиқлол гоёси мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим омилдир. Фарзандларимни, набираларимни ҳам шу Ватанга муҳаббат, миллий гоёга садодат руҳида тарбиялашни ўзимнинг она сифатидаги энг асосий вазифам ва бурчим деб биламан.

«Бунёдкор» ёшлар телеклубида бўлажак икки палатали парламент сайловларида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни кўппартиявийлик тизимининг мамлакатимиз ва жаҳон тажрибаси, амалиёти, сайлов қонунчилигимиздаги янгиликлар билан яқиндан таништириш мақсадида «Ёшлар ва сайлов маданияти» мавзусида туркум семинарлар ўтказилляпти.

**ЁШЛАР ВА
САЙЛОВ
МАДАНИЯТИ**

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу тадбирларнинг бу галгиси юртимиз иқтисодий тараққиётини таъминлашда амалга оширилаётган ислохотлар самарасига бағишланди. Тадбиркорликни ривожлантиришда маҳаллий хом ашё ва хорижий инвестициялардан фойдаланишга қаратилган айтиб, пул-кредит, солиқ-бюджет тизими ҳамда банк соҳасида эришилаётган ютуқлар таҳлил этилди.

ЎЗА

Маъин

ХАЛҚАРО
МАГИСТРАТУРА
САБОҚЛАРИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига янги маком берилиши айтилган бўлди.

Эндilikда Тошкент ирригация ва мелиорация институти деб аталаётган мазкур олий ўқув юрти қатор имкониятларга эга бўлди.

Халқаро илмий-маърифий алоқалар кенгайиб бормоқда. Голландиядаги Вагинген университет, Янги Зеландиядаги Массей университети билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шунингдек, АКШ, Буюк Британия мамлакатларидаги соҳа олий ўқув юрти билан ўзаро тажриба алмашиш режалари ишлаб чиқилди.

Институтда экология бўйича халқаро магистратура очилган киришилгани ҳам олий ўқув юртининг халқаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Унда таҳсил кўрадиган магистрлар Марказий Осиё минтақаси экологияси бўйича мутахассислар бўлиб етишдилар.

Акбар АЛИЕВ

ЁШЛАР ИШ
БИЛАН
ТАЪМИНЛАН-
МОҚДА

Яқинда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида битирувчи бакалавр ва магистрларнинг анъанавий аукцион тақдими бўлиб ўтди.

Тадбир давомида 2004 йилда институти битирган бакалавр ва магистрлар республикамизнинг йуриқ ташкилотлари аукцион асосида иш билан таъминланадиган бўлди. Жумладан «Ўзпахтасаноат» АЖ—108, «Ўзбеккенгилсаноат» АЖ—120, «Ўзбек ипаги» АЖ—13, «Ўзбекчармпойабзал» АЖ—7, «Ўзбек қоғози» ва «Матбаа корхоналари» — 31, Тўқимачилик машинасозлигига — 18, шунингдек, турли қўшма корхоналарга — 49, касб-хунар коллежлари — 71, банк, солиқ, мулк қўмиталарига — 19 нафарга яқин йигит-қизлар иш билан таъминланиб, қолганлари кичик ва хусусий бизнес корхоналарида ишлайдиган бўлдилар.

Муаттар ҒАФУРОВА

УМУМАРМИЯ ЎЙИНЛАРИ
ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизда илк бор ўтказилган умумармия ўйинлари ҳарбий-спорт мусобақаларининг ёпилиш маросими Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб ўтди. Тантанавий равишда давлат ва жамоат ташкилотлари, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарлари, спортчилар, курсантлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Чорлов мусикаси янгради. Мудофаа, Ички ишлар вазирликларининг алоҳида намунали кўргазмали ҳарбий оркестри ижросидаги «Марш» мусикаси остида стадионга мусобақаларда иштирок этган ўн уч жамоа аъзолари кириб келди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири



Қ.Ғуломов ҳамда Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси, полковник А.Абдуқаҳоров ёшлари баркамол ва соғлом тарбиялаш, миллий армиямизнинг жанговар шайлигини янада ошириш, ҳарбийлар орасидан етишқовли спортчиларни кашф этишда умумармия ўйинлари муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади.

24 июлдан 2 августгача давом этган умумармия ўйинлари давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари қаторидан муносиб ҳол олди.

Ҳарбий округлар, олий ҳарбий билим юртли-


ри ва қўшинларга қарашли ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ўтказилган саралаш босқичларида юқори натижа кўрсатган маҳоратли ҳарбий спортчилар «Умумармия ўйинлари—2004» ҳарбий спорт мусобақасида миллий кураш, офицерлар учкураши, қўл жанги, ҳарбий учкураш, енгил атлетика кросси, ҳарбий кўкураш, тош кўтариш, футбол бўйича беллашди.

Мусобақаларда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондон-муҳандислик билим юрти курсантлари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти жамоасига, учинчи ўрин эса Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳарбийларига насиб этди.

Хаво ҳужумидан мудофаа ва ҳарбий-хаво кучлари қўшинлари футбол бўйича ўн уч жамоа ичида ўз устунигини исботлади. Танқачилар енгил атлетика кросси ва ҳарбий учкурашда биринчиликни қўлдан бермади. Қўл жанги ва миллий кураш баҳсларида самарқандлик ҳарбий-автомобилчиларга ҳеч ким тенг келолмади.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти вакиллари офицерлар учкураши, тош кўтариш ва ҳарбий кўкураш бўйича энг юқори натижага эришди.

Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи, генерал-майор И.Эргашев мусобақаларда ўз йўналишлари бўйича биринчи ўринни эгаллаган самарқандлик ҳарбий-автомобилчи И.Тоштемиров, Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Й.Тўраев, мазкур билим юртининг ўқитувчиси, капитан Ж.Шокиров, танкичи А.Абдуқаримов, Шарқий ҳарбий округ олдий аскари Б.Жалилов, курсант Ф.Темиров, Тошкент олий ҳарбий умумқўшин



қўмондонлик билим юрти лейтенанти Т.Тожиёв, шунингдек, шахсий биринчиликларда энг юқори натижаларга эришган барча ҳарбий спортчиларга «Умумармия ўйинлари—2004»нинг олтин медалларини топширди.

Шунингдек, голиблар фахрий ёрлик ва дипломлар, Ўзбекистон Республикаси қасба уюшмаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ҳарбий-амалий ва олимпий спорт турлари бўйича тўрт спортчида спорт устаси, 48 нафарига спорт усталлигига номзод ҳамда 62 нафар йигитга биринчи даражали спортчи даражалари берилди.

«Умумармия ўйинлари—2004» ҳарбий спорт мусобақасининг ёпилиш маросими Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ашула ва рақс ансамблининг концерти билан якунланди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

СУРАТЛАРДА: Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юртида «Умумармия ўйинлари» ҳарбий спорт мусобақасининг ёпилиш маросимидан лавҳалар.

Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган суратлар.

Гап беморга кўрсатиладиган муолажа турлари ва усуллари ҳақида бормоқда. Жаҳон тиббиётида беморларни қон қуйиш йўли билан даволаш усули амалга ошириб келинмоқда. Аммо...

Ҳамма муаммо ана шу «аммо»да!

Беморга донор қони қуйилар экан, унинг қони зарарсиз эмаслигига юз фоиз кафолат бериб бўлмайди, ҳозирча. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда гемотрансфусия инфекцияларнинг мавжудлиги шароитида қўллаб беморлар ўзларига донор қони қуйилмаслигини ҳақли равишда талаб қилмоқдалар, бу усулдан воз кечмоқдалар.

Ривожланган мамлакатларда айрим шифохоналарда шифокорлар ҳозирги кунда беморларни донор қонини қуймасдан даволашга ўтаётганлиги ва бу соҳада муваффақиятларга эришаётганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Бу усул, биринчидан, бемор қонини касалланишдан сақлашда кафолат бўлса, иккинчидан эса, жуда қўллаб моддий маблағларни иқтисод қилиб қолиш имконини беради.

Бироқ, бу усулни қўллаш учун ҳали тиббий асбоб ва анжумлар, дори-дармонлар ҳамма ерда ҳам етарли эмас, қўлгина давлатларда эса умуман мавжуд эмас. Ушбу ҳолат тиббиётда ҳозирча қон қуйиб даволаш усулини давом эттириш лозимлигини тақозо қилади. Барча муаммо — қон хавфсизлигини сақлашга қаратилиши лозим.

Яқинда Тошкентда Марказий Осиёда касалликларнинг олдини олиш ва назорат

қилиш Америка Маркази (СДС) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш корхонаси билан ҳамкорликда ва Халқаро тараққиёт бўйича АҚШ Агентлиги (ЮСАИД) иштирокида «Қондан хавфсиз фойдаланиш» масалаларига бағишланган тўрт кунлик ишчи

нинг «Марказий Осиё минтақасида қондан хавфсиз фойдаланиш» дастури раҳбарлигида Иордания мамлакатига қон хизмати қўйилиш тажрибаси билан танишиб қўйилди. Иордания Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тренинг Маркази ҳисобланиб, ўз нуфузига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси

Ҳамкорлик

СЕРТИФИКАТЛАР
ТОПШИРИЛДИ

Маълумки, кейинги вақтларда тиббиёт оламида беморларнинг ҳуқуқи масаласи устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бунинг ўз сабаблари бор, албатта. Бемор даво истаб шифокор ёки шифохонага мурожаат қилар экан, ўзининг ҳуқуқлари поймол этилмаслигини талаб қилишга ҳақлидир.

семинар-тренингини ўтказди.

Мазкур ўқув анжумани Марказий Осиё минтақасидаги қон хизмати тренинг Марказлари негизда амалга оширилди.

Ўқитишнинг интерфаол усулида ўтган ушбу машғулотларда Тошкент шаҳридаги қон хизмати муассасалари, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидига «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг ўттиз нафардан ортиқ раҳбар ва мутахассислари иштирок этиб, ўзларининг бу соҳадаги билимларини такомиллаштирдилар.

Мазкур анжуманининг ўтказилишидан олдин Марказий Осиё минтақаси Республикалари Қон хизмати Марказлари раҳбарлари 2003 йилнинг сентябрь ойида СДС ва ЮСАИД-

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда мамлакат қон хизмати раҳбарларининг ташаббусига кўра СДС ва ЮСАИД томонидан қондан хавфсиз фойдаланишни ўргатиш Модули ишлаб чиқилди. Ушбу Модул халқаро экспертлар томонидан Марказий Осиё республикаларида қон хизмати ҳолатини ўрганиб, уни баҳолаш натижаларига асосланган.

Пойтахтимизда ўтказилган семинар-тренингда соҳага оид йигирмадан ортиқ бир-биридан сермазмун, қизиқarli манба-ларга бой бўлган маърузалар тингланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, машғулотлар қатнашчилари маърузаларни фақатгина шунчаки тинглаб ўтирмади, балки машғулотларда ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол

иштирок этиб, у ёки бу масала юзасидан ўз муносабатларини билдириб бордилар.

Ўқилган маърузалар орасида айниқса қон хизмати бўйича СДСнинг Марказий Осиё минтақаси бўйича консултант доктор Жаннет Мерзанинг «Марказий Осиёда қон хизмати» ва «Бошқа мамлакатларда қон хизматининг эпидемиология томонлари», Тошкент «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг лаборатория мудири В.Чупрованинг «Тошкент шаҳрида қон хизмати ташкил этиш ва уни такомиллаштиришнинг истиқболлари», қирғизистонлик Т.Кутуевнинг «Қон донорлари, ҳужжатлар турлари», тожикистонлик Б.Баҳовитдиновнинг «АВО қон гуруҳи тизими ва уларни тестлаш», Қозғистон вакили А.Жумагулованинг «Қон Марказида хавфсизлигининг универсал профилактик чоралари» мавзуларидаги маърузалари чуқур илмий ва амалийлиги билан қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўтказилган семинар-тренингнинг якуновчи тўртинчи куни унинг иштирокчилари ўзига хос имтиҳондан ўтдилар. Уларга ўтилган машғулотлар бўйича пост-тестлар тарқатилиб, жавоблар йиғиб олинди ва иштирокчиларнинг мазкур машғулотлар юзасидан олган билим ва қўникмалари баҳоланди. Натижада барча иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Шавкат ЁҚУБОВ,

Тошкент «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш корхонаси матбуот қизмати раҳбари.

«Камолот» ташаббуси билан

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Акмал Икромов туманидаги «Истиклол» маҳалласида ёшларни спортга жалб этиш, ёш авлоднинг маънан етук, жисмонан баркамол тарзда вояга етишида ёрдам бериш ва маҳалла болаларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш мақсадида спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Авалло шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Истиклол йилларида келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлодга алоҳида эътибор бериб келинаётгани, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами замонавий андозаларга тўла мослигини айтиш мумкин.

— Ушбу спорт майдончаси ташландик, қаровсиз жой ўрнида бунёд этилди, — дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши раиси Азиз Эргашев. — Шу билан бир қаторда спорт майдончаси болажонларимизнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш баробарида керакли спорт ускуналари билан таъминланган.

Қолаверса, бу бизнинг уларга ўзига хос совғамиз ҳамдир.

Кейинги йилларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов туман Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга сазовордир. Жорий йил давомида ҳаракатнинг бевосита ташаббуси таъсири ўлароқ «Шодлик», «Тинчлик», «Янги ҳаёт», «Истиклол» маҳаллалари ёшлари ўртасида ёзги дам олиш вақтини мароқли ўтказиш мақсадида «Кўча оммавий спорт» уйинлари бўлиб ўтди.

— Ўртбошимизнинг шахсан ташаббуслари ва ҳукуматимизнинг махсус қарорлари, болалар спортини ривожлантиришнинг давлат сиёсати даражасига чиқарилиши ўзининг ижобий натижасини бермоқда, — дейди туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Умида Раҳимова. — Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, маҳалла фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан ҳамфикр, ҳамқадам фаолият олиб боришимиз ўз самарасини бермоқда. Бизда мавжуд маҳаллаларнинг аксарияти оилавий спорт билан шугулланиш тарзига эга.

«Истиклол» маҳалласида истиқомат қиладиган болажонларнинг қувончи чексиз. Ҳар бир мурғак қалб эгасининг кўзларида миннатдорчилик туйғуларини, истиқболи порлоқ юрtdа олиб борилаётган ижобий изланишлар, хайрли натижалардан қувончи ҳиссини кўриш мумкин. Айниқса, тадбирнинг 7-14 ёшгача бўлган ёш болалар ўртасидаги спорт мусобақалари улашиб кетиши болажонлар қувончига қувонч қўшиди.

Хумоюн АЛИЕВ
СУРАТЛАРДА: маҳаллада спорт майдончасининг очилиш тадбиридан лавҳалар
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга спорт билан шугулланиш учун кенг имкониятлар ва зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

МАҲАЛЛАЛАР ЁШЛАРИ БЕЛЛАШАДИ

Яккасарой туманидаги «Яккасарой-1» маҳалласида жойлашган 100-мактабнинг спорт майдончасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тўзилган «Ёшлар «Камолот» билан» лойиҳасини ҳаётга таътиб этиш мақсадида «Яккасарой-1», «Яккасарой-2» маҳаллаларидан 50 нафар болалар ўртасида «Кўча оммавий спорт» уйинлари ўтказилганлиги мамлакатимизда соғлом авлод тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг яна бир далилидир.

Ушбу мусобақа «Камолот» ЕИХ Яккасарой туман бўлими Кенгаши ҳоимийлигида «Камалак» болалар ташкилоти томонидан уюштирилган бўлиб, унда туман сардорлари ва ма-

ҳалла фаоллари ҳам қатнашдилар.

7 ёшдан 16 ёшгача бўлган қиз ва ўғил болалар иштирокидagi мусобақада арқон тортиш, футбол, шахмат, шашка, арқон билан сакраш, бадминтон ва бошқа спорт турлари бўйича беллашувлар бўлиб ўтди.

Ғолибларга ва иштирок этган маҳаллага алоҳида қоп-ток, шахмат, шашка, бадминтон каби спорт жиҳозлари топширилди. Совринли ўринлардан ташқари мусобақада қатнашган ҳар бир иштирокчи эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Ҳозирда Яккасарой туманида ушбу лойиҳа бўйича ўтказилаётган тадбирлар туманидаги барча 18 та маҳалла-ни камраб олган бўлиб,

спорт мусобақалари 15 августга қадар давом этади.

Мусобақани ўтказишдан кўзланган мақсад эса таътилларида ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, уларни оммавий спорт уйинларига жалб этиш, маҳаллалараро мусобақалар ташкил қилиш, энг асосийси жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам жамиятнинг муҳим бир бўлаги ҳисобланмиш оилада ёшларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук, ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етиштирилиши учун соғлом турмуш тарзига риоя қилиш зарур бўлади.

Дилором
ДЎСМУХАМЕДОВА,
Ўзбекистон Миллий
университети талабаси.

СУВ ҲАВЗАСИДА ЧИНИҚИШМОҚДА

Болалар спортини ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаётганидан буён бу борада талайгина ишлар амалга оширилди ва ошириломоқда.

Биз Собир Раҳимов туманидаги «Чимбой» сув ҳавзасида бўлиб унинг иш фаолияти, эътиборга молик юмушлар билан яқиндан танишдик. Ушбу сузиш ҳавзаси бугунги кунда 500 дан ортиқ дам олиш қатновчиларга эга. Тошкент Давлат техника университети, 5 та мактаб, 3 та болалар боғчаси, шунингдек, атрофдаги маҳаллалардаги ўғил-қизлар ҳам бу ерга мунтазам қатнаб туришади.

— Яқинда сузиш ҳавзамиз қайта таъмирдан чиқди, — дейди биз билан суҳбатда унинг раҳбари Эмма Мазаева. — Ёзги ва илик суви қишки ҳавзаларни ташкиллаштириш имконига эга бўлди. Бу ерга қатновчилар учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган. О.Қозёл, О.Қасенов, Г.Гусарова каби мураббийлар эса ёшларга сузиш сирларини ўргатмоқдалар. Сув ҳавзамизга қатнаётган мактаб ўқувчилари «Умид

ниҳоллари» каби спорт мусобақаларида қатнашиб яхши натижаларни қўлга киритишди.

Сув ҳавзасининг доимий қатновчилари бўлмиш 36-мактаб ўқувчилари ҳам «Мусаф-фозуло» сув ҳавзасида ўтказилган мусобақада фахрли 1-ўринни эгаллашди.

Бу муваффақиятлар сирини эса ички мусобақаларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши ва қўшимча машгулотларга қатновчиларнинг жалб қилинишидадир.

Мана ҳозир ёзининг авжи қизиган палласи. Муздек, тоза, танга дармон бағишловчи сув ҳавзасига қатновчилар сони тобора ортиб бормоқда. Уларнинг бу ерда мазза қилиб сузиб, саломатликларини тиклашлари ҳисса қўшиш эса «Чимбой» сув ҳавзаси жамоасининг асосий мақсад-вазифаларидир.

Азизбек ҲАКИМОВ

Маҳаллаларда

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт саломатлигининг гарови деб қабул қилиниб, ёш авлоднинг соғлом бўлиб вояга етиши йўлида кўп саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳаллаларда олиб борилаётган юмушлар айтишга аргизуқидир.

Чилонзор туманидаги «Шарк» маҳалласини бунга аққол мисол қилиб олишимиз мумкин. Мустақил юрtdа тобора чирой очиб, гуллаб-яшнаётган, обод ва ораста, ўзини-ўзи бошқариш маскани бўлган ушбу гушада болаларнинг саломатлиги, бўш вақтларини унумли ўтказишлари, спорт билан ошно бўлишлари йўлида талай ибратли юмушлар амалга ошириб келинмоқда.

— Маҳалламизда 10600 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Шарк» маҳалласи оқсоқоли Абзам Махмудов. — Шуларнинг 3500 дан ортигини вояга етмаган ёшлар ташкил қилади. Уларнинг спорт билан шугулланишлари учун имкон борица шарт-шароитлар яратиб берганмиз.

Худудимиздаги 281-мактабда шахмат, шашка, каратэ, футбол, волейбол каби қатор спорт

тўғарақлари фаолият юритади. Малакали мураббийлар ёшларнинг иқтидори, имкониятларини юзага чиқариб, қўллаб-қувватлаш учун ҳаракат қиладилар. Ҳозир ёзининг авжи қиёмига келган даври. Ёшларимизнинг иссиқ кунларда дуч келган ариқ, фаввораларга бориб чўмилиб, турли кўнглисизликлар юз бермаслиги учун маҳалланинг ўзида сув ҳавзасини қуриб, мунтазам ишлаб туришини таъминлаганимиз.

Бундан ташқари қўллаб спорт мусобақалари, танлов ва учрашувлар ўтказиб турамыз. Айниқса, «Футболчимиз келажаги» мусобақалари ниҳоятда кўтаринкиликда ўтказилади. «Иброҳим-шарк» деб ном олган жамоамиз 2000 йилда ташкил топган бўлиб мусобақаларда ҳар йили юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Бу йил ҳам ушбу мусобақада 11-12, 15-16 ёшли-

лар тоифасидаги бахсда шаҳарда биринчилиكنи қўлга киритди. Энди ушбу мусобақанинг Республика босқинида куч синашилади.

2003 йилнинг охирида спорт комплекси қуришни бошлаган эдик. Насиб этса бу йил уни ишга туширсак жуда соз иш бўларди. Футбол жамоамизнинг ютуқлари уларга яна ҳам яқинроқ шароит яратиб берилиши лозимлигини кўрсатмоқда. Албатта бу ишнинг яқини ҳомиёлар кўмағига боғлиқ. Ниятимиз маҳалламиз янада обод, фарзандларимиз эса соғу саломат бўлишларига эришиш.

Ёш авлод камоли, жисмонан соғломлиги йўлида барча қийинчиликларни енгиб, эртанги муҳимнинг нурли кунлари учун жон қуйдираётган Абзам ака каби оқсоқоллар сафининг кўпайишини талаб қоламыз.

Юнус АСРОРОВ.

МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Ёшларни жисмонан етук ва баркамол қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни беқийсдир. Шу мақсадда куни кеча Чилонзор туманида жойлашган спорт мажмуасида футбол, баскетбол, шашка, шахмат ва шунга ўхшаш оммавий спорт турлари бўйича туман маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган сардор ва посбонлар ўртасида мусобақа ўтказилди. Унда 26 та маҳалланинг спорт жамоалари иштирок этдилар.

Қизикarli ва мурасасиз ўтган мусобақа якунида «1-Чарх Камолон» маҳалла жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади ва рангли телевизор билан тақдирланди. Иккинчи ўринни эса «Новза» маҳалласининг жамоаси эгаллаб видеомагнитофон муқофотининг соҳиби бўлди. Учинчи ўрин эса «3-Чарх-Камолон» маҳалла жамоасига насиб этиб,

улар мусиқа марказига эга бўлдилар.

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, болалар спортини ривожлантириш ва ёшларни ҳар томонлама Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиши йўлида ақлий, жисмоний ва руҳий камолот чўққисига олиб чиқишдир.

Гулуғча МАТКУРБОНОВА,
Дурдона КОДИРОВА



Шахризода МУҲСИМОВА
СУРАТДА: «Иброҳим-шарк» маҳалласининг ёш футболчилари.

Бугунги кунда Республикаимизда униб-ўсиб келаётган ёшларнинг жисмонан соғлом, ақлан баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Ўртбошимиз ташаббуслари билан Болалар спортини ривожлантириш жамгар-масининг тузилиши, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ёки «Футболчимиз келажаги», «Маҳалламиз пахлавонлари», «Отан, онам ва мен — соғлом оила» каби спорт мусобақалари айнан юқоридаги эзгу мақсадлар йўлида ташкил этилган. Бугунги кунда шаҳар ва туманларда бўлиб ўтаётган қатор тадбирлар, учрашув ва мусобақалар ҳам ёшлар камолоти йўлидадир.

Туманларда

ЖОНКУЯРЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Биз Акмал Икромов туманида бўлиб, болалар спортини бўйича олиб борилаётган юмушлар билан қизиқдик ва Болалар спортини ривожлантириш жамгармасининг туман бўлими етакчи мутахассиси Шухрат Абду-мажидовга бир қатор саволлар билан муножаат қилдик.

— Туманимизда болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, вояга етмаган ёшларда спортга ҳавас ва иштиёқ уйғотиш мақсадида маҳалла, мактаб, боғча, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги муассасаларда бир қатор ишлар амалга оширилди, — дея сўз бошлади Шухрат Абду-мажидов. — Мавжуд 50 та маҳаллада 140 та спорт майдончалари бўлиб, уларда турли секциялар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари яна 11 та спорт майдончасини ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

— Туманда мунтазам спорт билан шугулланадиган ёшлар қанча?

— Худудимизда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар 47021 нафарини ташкил этиб, шулардан 14351 нафар бола мунтазам равишда спортнинг қўлаб турлари билан шугулланади.

Йил бошида 61 та секция очилган бўлиб, уларда 1662 нафар ёшлар шугулланиб келишмоқда. Туманда жойлашган барча касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва бошқа таълим муассасаларида спортнинг футбол, шахмат, шашка, теннис, кураш, бокс ва бошқа турлари бўйича мусобақалар уюштирилмоқда.

— Оилавий спорт мусобақалари ҳам ўтказилиб туриладими?

— Оилада соғлом муҳитни таркиб топтириш ва соғлом ҳаёт тарзини тарғиб этиш мақсадида барча маҳаллаларда «Отан, онам ва мен — соғлом оила» оилавий мусобақалари ўтказилди. Ушбу мусобақада 350 нафар оила қатнашиб, улардан 6 нафари шаҳар ми-

қёсида ўтказилган танловда ҳам иштирок этишди. Айтиб ўтиш керакки, ушбу спорт тадбири барча коллеж, академик лицей, мактаб ва боғчаларда ҳам режавий дастур асосида ўтказилди. Бундан ташқари Халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган миллий кураш, бўйча мусобақаларда туманнинг 51 нафар ўғил ва қизлари иштирок этди. Шунингдек, мактаб-боғча таълим-тарбия муассасаларида «Кувноқ спорт турлари» мусобақаси ҳам ўтказилди. Яна қатор байрамларда 10 кунлик спорт марафонлари ниҳоятда юқори савияда ташкил этилди ва кўтаринки руҳда ўтказилди.

— Жамоат ташкилотлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилганими?

— Албатта. Ҳар бир ўтказилаётган тадбир ва мусобақалар туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ туман бўлими, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», Қизил Ярим Ой жамиятининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилади. Мусобақа ғолиблари ва иштирокчилар ҳамма ҳамкорлар томонидан бериладиган қимматбаҳо эсдалик совғалари, Фахрий ёрликлар, кўча кубоклар билан тақдирланади.

— Туманда ўғил болалар билан бир қаторда қизларнинг ҳам спорт билан шугулланиши кўнгилдагидеми? Ҳеч қандай муаммолар йўқми?

— Жуда керакли ва айна вақтда оғрикли саволини бердингиз. Менталитетимизга хос бўлган хусусиятлар туфайли қизларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши анчагина фикрларини эшитдик, режалари билан ўртоқлашдик ва шундай ҳулосага келдик: қар-да жонкуярлик, ўз касбияга бадий гимнастика, стол теннис, сузиш ва бошқа секцияларга кенгрок жалб этилмоқда. Тумандаги 228-мактабда қишки сув ҳавзаси, 194-мактабда эса спортнинг 8 тури бўйча тўғарақлар фаолият юритади. Қиз-

ларимиз эртага она бўлади, фарзанд тарбиялайди. Шундай экан уларнинг соғлом бўлиши учун спорт билан шугулланишлари лозимлиги кундек равшан. Ахир соғлом онадан — соғлом фарзанд туғилади-ку. Биз бу борада ҳам оилаларда тушунтириш ишларини олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бугунги кунда 311, 312-мактабларда ёз мавсумига мослаштирилган оромгоҳлар ва уларда қатор спорт тўғарақлари ишлаб турибди. Фурсатдан фойдаланиб айтмоқчи эдимки туманимизда спортнинг бир қатор турлари бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган ёшларимиз ҳам анчагина топилади. Володя Асокин, Саша Тропин, Славик Торин, Диана Новикова, Даврон Ғафуров, Инна Тамакова, Шерзод Анваров, Карима Фозилбоеваларнинг номларини ҳамма фахр тилга оламиз. Уларнинг издошлари кўпайишига астойдил ҳаракат қиламиз.

Яна бизда айтиб ўтишга аризиқлиқ от спортини бўйича соғломлаштириш гуруҳи ҳам иш олиб боради. Қизиги шундаки азал-азалдан халқимиз томонидан от — энг яқин ердამчи, яқин дўст сифатида қадрланиб келинади. Ёшларимизда эса бу соҳага унчалик қизиқиш йўқ. Ахир от спортини — соғломлик, гўзал ва бақувват гавда гарови ҳисобланади. Тўғарақлар эса беғул. Хали биз анча тушунтириш ишларини олиб боришимиз керак деб ўйлайман. Яна бир бор барча ёшларни ўзлари қизиққан спорт тўғарақларига тақлиф қилиб қоламан.

Биз жонкуяр спорт мураббийси билан узоқ суҳбатлашдик, унинг кўйиб-ёниб айтган фикрларини эшитдик, режалари билан ўртоқлашдик ва шундай ҳулосага келдик: қар-да жонкуярлик, ўз касбияга бадий гимнастика, стол теннис, сузиш ва бошқа секцияларга кенгрок жалб этилмоқда. Тумандаги 228-мактабда қишки сув ҳавзаси, 194-мактабда эса спортнинг 8 тури бўйча тўғарақлар фаолият юритади. Қиз-

Шоира МУҲАМЕДОВА
суҳбатлашди.

УСТОЗНИНГ ЧИРОЙЛИ ГАЛАБАСИ

Халқаро «Ҳазрат Али белбоғли кураши» спорт турнири анъанавий тарзда ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Бу йилги ушбу турнирда Ўзбекистон билан биргаликда саккизта давлат — Россия, Жанубий Корея, Бангладеш, Покистон, Озарбойжон, Грузия ҳамда Қирғизистоннинг энг сара спорт усталари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишди. Биз турнирда мамлакатимиз шарафини муносиб химоя қилган спортчи билан суҳбатлашдик.

— Бу халқаро мусобақада биринчи бор иштирок этишимиз, — дейди 90 килограммгача вазн тоифасида олтин медалга соҳиби халқаро тоифадаги спорт устаси Холдор Эргашев. — Бундан ташқари, Фарғонада ўтказилган вилоятлараро белбоғли кураш мусобақаси ҳам биз учун кўшалоқ байрам бўлди. «Ҳазрат Али белбоғли кураши» турнирига қайтадиган бўлсак, мусобақа жуда

кескин ва қизгин тарзда бўлиб ўтди. Унда мен юртимиз шаънини химоя қилиб биринчи ўринни қўлга киритиб, олтин медалга сазовор бўлдим, иккинчи ўринга Россия, учинчи ўринга эса қирғизистонлик спорт усталари муносиб топилдилар.

— Шогирдларингиз ва фарзандларингиз ҳақида билмоқчи эдик...

— Шогирдларимдан Ақобир

Қурбонов 73 килограммгача вазн тоифасида 1999 йилда Ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпиони бўлган эди. Шунингдек, Камол Муродов ва Армен Багдасаровлар ҳам ўз вазн тоифаларида кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлишган. Ҳозирги кунда Юнусовдур туманидаги «Чинор» маҳалласидаги спорт залида кураш, таэквондо, футбол, дзю-до бўйича 170 га яқин болаларга устозлик қиламан. Бундан ташқари, «Учувчилар» маҳалласида ташкил этилган спорт залида ҳам авиакудоимларга белбоғли кураш сирларидан сабоқ бераман. Фарзандларим Жамшид ва Санжар Одиловлар ҳам спортнинг кўпгина турлари, айниқса, стол теннис ва сузишга қизиқишади.

Биз Холдор Эргашевга кураш ғилмаларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Рисолат РАҲМОНОВА.

Шарқ дурдоналари

03-03 ўрганиб
домо бўлур...

- Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми фэйзсиз, кундузи эса — ғамгин.
- Севги — ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормоқ ва узмоқ учун жасорат керак.
- Севги ўзида инсоннинг ҳамма эзгу фазилатларини муҳассамлантиради.
- Аёл — буюк сўз, унда ҳис-лик мусаффолиги, дўстга хош фидойилик, она жасорати таркиб топган.
- Севги худди чакмоқ каби қудратли, аммо момақалди-роқсиз чакмайди. Унинг энг кучли зарбалари ҳам ёқимлидир.
- Донолар айтади: севгининг худди инсон ҳаётига ўхшаган ўз тараққиёт қонунлари, ўз мавсумлари бор. Уни гуллаб яшнаган баҳори, ёндиргудек ёзи, охири-оқибат кузи ҳам келадики, у баъзилар учун иссиқ, чарогон ва серхосил бўлса, айримлар учун совуқ, чирик ва мевасиз келади.
- Хар бир севги ўзича чин ва гўзалдир. У бошда эмас, юракда бўлмоғи керак.
- Муҳаббат бамисли олов, қаловисиз қолдими ўчади.
- Байт:**
Ҳаяжон тўлқини, ҳасрат,
табассум,
Ширин хаёллару,
жон олар масъум.
Нозик ибодлар
сенгадир исён —
Муҳаббат соҳиби
бахтиёр инсон.
- Рашк ошиқ учун азоб-уқубат, машуқа учун ранж-изтироб манбаидир.
- Дунёда инсон юрагини жирканч манзаралар билан тўлдириб рашк каби хўрловчи қулфат бўлмаса керак.
- Рашкчининг муҳаббати кўпроқ нафратга ўхшаб кетади.
- Аёл муҳаббатидан жудо бўлган одам бу севгини сақлаб қололмагани учун фақат ўзини айблаши мумкин.
- Рашк шубҳалари кўтқуси билан мутлақо ғуноҳсиз одамни ҳам ҳақоратлаб қўйиши мумкин.
- Шундай олиханоб муҳаббатлар борки, улар рашкка мутлақо ўрин қолдирмайди.
- Донолар айтди: оқила рафиқа! Агар сен эринг ёнида бўлишни истасанг, шунинг пайига тушқинги токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулоимликка дуч келмасин.
- Чинакаммига севган одам рашк қилмайди. Муҳаббатнинг асл моҳияти — ишонч. Бордию муҳаббатдан шу ишончни тортиб олингчи, унда сиз унинг ўз кучига бўлган ишончи, давомийлиги, жамикли нурафшон томонлари — бинобарин, барча улғувдорлигини тортиб олган бўласиз.
- Байт:**
Кўча севгисини уйни
барбод этар,
Уйингни хотин меҳри
обод этар.
- Дунёда ҳалол одамдан буюроқ зот йўқ.
- Халоллик ҳар қандай мартабани безайди.
- Виждонли одамлар учун ҳалоллик саводли одамлар учун илм қанчалик зарур бўлганидан ҳам кўра қимматлироқдир.

Табиийки, ёзувчи ҳам шу жамият аъзоси. Жамиятдан алоҳида яшаши ёки шу инсонларнинг манфиатидан бўлак манфаати қўлаши мумкин эмас. Айни пайтда унинг фаоллиги ёки хотиржамлиги ҳам шу кишлолик жамиятининг табиатида тўғридан-тўғри алоқадордир. Қайсики мамлакат тарихида инқилобий ўзгаришлар юзга келган бўлса, албатта ўша давлат адабиётида ҳам бу нарсаси бўртиб кўринад.

Бизнинг мустақиллигимиз ҳам гарчи диктатурага қарши эришилган бўлса-да, давлатимиз раҳбарининг оқилона хатти-ҳаракатлари натижаси ўлароқ қон тўкишларсиз, оддий халқнинг бирданига чорасиз аҳолига тушиб қолишининг олди олиниб, керагида эҳтиёткорлик билан босқичма-босқич, қонуний, тадрижий юзга келди.

Оддий одамлар тугул зиёлилар, жумладан ёзувчилар ҳам масаланинг моҳиятини дарҳол англаб етолмаган бўлишлари мумкин. Шу тугайли ҳам адабиёт бу жараёнга ўз вақтида акс садо беролмади. Наср шеърят ва публицистикадан фарқли ўлароқ оғир қарвон жанрдир. Истиклолимизнинг дастлабки йилларида у замондан орада қолиб кетгани бор гап. Бугуннинг асари бугуннинг одамлари, уларнинг бугунги кечмишлари ва ўйлари билан қизиқ. Президентимиз бундан уч-тўрт йил бурун адабиётда замонавий қаҳрамонни яратишга даъват этганлари бежиз эмас. Одди Ёқубовнинг «Бир қошона сирлари» драматизда, Шукр Холмировнинг «Динозавр», Тўхтамурод Рустамнинг «Қапалаклар ўйини», Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозаанат» романида, Ш. Бўтаев, Н. Норқобил, Қ. Норқобил, Х. Дўстмуҳаммад ва бошқаларнинг қатор қиссаларида замонавий қаҳрамон бўртиб кўринад бошлади. Шундай қилиб, мустақиллиқнинг учинчи йиллида ўртага ташланган «Адабиёт ўладими?» деган саволга ўрин қолмади.

«Ўткан кунлар»даги Юсуфбек ҳожи тимилолида Қодирий рус босқини натижасида Ватан тупроғи топалайтганини қалам билан тасвирлай олган эди. Афсуски, бундай жасорат буюк адибимизнинг боши қадр қимматга тушди...

Чўлпон, Бехбудий, Фитрат, Усмон Носирларнинг қисмати: Гафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Миртемирлар бу юртнинг истиклолини ўйламас эдиларми?

Истиклолимиз берган улғуф неъматлардан бири ҳам ўша буюк сиймоларнинг мероси ва шахсий қадр-қимматларини жойига қўйганимиз бўлди. Шундоқ эмасми ахир?

Хулоса қилиб айтсак, ёзувчи журналистга ўхшаб тезкор равишда «лаббай» сўзини айтилмаслиги мумкин, аммо замон ўзгаришларини у ўз оғир призмасидан ўтказган, муайян хулосаларга келгангина маълум йирик асари орқали ифода этиши мумкин.

Ижодкорнинг ягона қуроли мавжуд. Бу — сўз. Шу сўзни айтиш эрки бор унда. Сўз унинг муҳаббатини ҳам, нафратини ҳам ифода этади.

— Собир ака, ёзувчи идеал инсон тимсолини қардан олади?

— Ёзувчини ёзувчи қилиб турдиган бир куч бор, у ҳам бўлса ҳаётдан, жуда бўлмаганда адабиётдан қилинган инсонни қидириб топиш ҳис-туйғуси. Бу исёндан ҳам бўлмаган тўғридир. Сабаби, адибни қўраб олган ҳаёт доимо унинг идеалига қарши туради. Агар қалам соҳиби ҳаёт билан мурося қилиб, уни қўлаб-қувватлай бошласа, бу куч ўз-ўзидан йўқолади, кўнжик шижоҳ ҳиссини ўлдирлади. Демакки, у ёғини айтмай қўялоқ. Э. Ҳемингуэй — мард одам тимсолини қидирган, суфизм адабиёти-

ларда ҳам соф адабий нашлавларнинг тиражи ўн минг нусхага етмас экан. Хатто Россияда улкан мамлакатда ҳам ҳозир шу аҳволни кузатиш мумкин. Холбуки руслар адабиётни энг кўп ўқийдиган халқ ҳисобланади. Техника ривожлангани билан инсоннинг адабиётга бўлган эҳтижи ўлмайди. Чунки китоб одамнинг саводини ўстирибгина қолмай, балки дидини, савиясини ҳам ривожлантиради. Шу маънода бадий адабиёт ҳамма жабҳадаги одамлар учун ҳам керак. Негаки, зўр бадий асар ишқибози безорилик, қалла-кесарлик ёки ишратбозликдан нари юради. Адабиёт, ҳатто у ди-

ёйиштирилган, уни китобга ақинлаштириб олмаган. Телевизорчи, телевизорчи Европанинг шарм-сизилигининг махсули бўлган сериаллар эгаллаган. Ҳаё, уят деган нарсаларни бутунлай эсдан чиқариб қўйган, реклама кўзгусига айланган ярим яланғоч қизлар ҳам дидактикани қотириб бораётгани бор гап. Уларни ўзимиз хоҳлама-сакда, фарзандларимиз кўраётир. Болаимизни бундан кўра деб уришамиз, дарҳол телевизорни бошқа каналга ўтказамиз. Унда ҳам қизиқарли кўрсатув йўқ, ўғлинг фалон каналдаги Жекки Чаннинг юниси-ни кўрмоқчи. Қизинг телевизорда кўраётган нарсалари уят эканлигини яхши тушунади. У хали олти ёшда, — дада, мен кўзимни юмиб тураман, кино бошланганда очаман» деб қолади, сесканиб кетасан... Ота бўлганидан кайин бу нарсаларни ўйлайсан. Норасиданинг келажиги ҳали олдинда эканини эслаб ўйга ботасан. А. Ориповда бир аjoyиб сатр бор: «Оталар жимгина олар хавотир...»

Макулатура билан бизнес қилувчи бир укамизнинг оморига йўлим тушиб бориб қолдим. Тахминан 4-5 тонна макулатуранинг қарийб ярми бадий китоблар эди. Уларнинг аксариятида кутубхоналарнинг тамгалари, яъни шифрлари ёзилган... Таваб, деб ёқимни ушладим: Навоий, Бобур, Пушкин, Шекспир, жаҳон адабиётининг буюк адиблари дўконларида ҳам топилаётган ўйлаб китоблар! Ўрнига қозғоқ бераман деб китоблардан 15-20 тасини териб олдим. Аммо қолганларига ҳам кўзим қиймади. Бир кишига илтимос қилиб ўша китобларнинг рўйхатини тўздирдим. Булар 3000 дан зиёд китоблар эди. Уларнинг рўйхатини компьютерда кўчириб, захирага олиш, миллий кутубхона директори Абдусалом Умаровга олиб бердим. У киши ҳайрихоҳлик билан кутиб олди. Эндай йўқ асарларни сотиб оладиган бўлди. Ҳартугул шунча китоб беҳуда қозғоқ бўлиб, нималаргадир ишлатилиб кетмасин дедим-да. Шу китобларни тўплаб макулатурага топширган одамга унинг қилоси, тоннаси ҳисоб. Китобнинг муаллифи, қадри унга бир гул! Тош босса бўлган! Бундай эгасизлик, ўша тамгалардаги манзиллардан билдимки, юртимизнинг ҳамма ерида бор. Республикаимиз бўйича ҳар кун тонналаб макулатура қозғолари ичидан минглаб маърифат улашиши мумкин бўлган бундай асарлар борлигини ўйласанг юрагинг орқага тортиб кетади.

— Адабиёт ва адибнинг бугунги муаммоси?

— Адабиётнинг муаммоси — ривожланиш. Ўзбек адабиётининг муаммоси — жаҳонга чиқиш. Нарсини билимдими, аммо шеърятимиз (ҳозирги шеърятимиз ҳам) дунёнинг энг кучли, энг гўзал поэзияси бўлса керак. Биз уни элаб бошқаларга қўрсатолмаямиз. Шунинг учун қилишимиз лозим. Жаҳуд эрт, илми, сўзга бой, салоҳиятли ва айниқса, фидойи таржимонлар зарур. Худо хоҳласа, бу ниятлар ҳали амалга ошади.

Шахло ҲОШИМОВА
суҳбатлашди.

Ёзувчи ва замон

ДАВР БИЛАН
ҲАМНАФАС

Инсон яралибдики, у зиёда, нурга интилади. Ҳаётнинг, ич-ичига беркинган «менини» таҳлил қилади. Атрофини ўраб турган табиатини, ўзи яшаётган жамиятини тушунишга ҳаракат қилиб, бу ички эҳтиёжларини кўпроқ бадий адабиётдан, насрдан излайди. Шундай экан насрни яратадиган ёзувчи ким, унинг жамиятда тутган ўрни қандай? — каби саволлар гирдобда «Ёшлик» журнаlining бош муҳаррири, ёзувчи Собир УНАРНИ суҳбатга тортдик.



да Ҳақ дийдорига етишган одам қомил инсон ҳисобланган.

Фикримча, тоғ-тош орасида, жамиятдан айрилиб тавалло қилиб ётган одам, ҳар қалай қомил инсон бўлмаса керак. Менимча, жамиятни яхши томонга ўзгартира оладиган энг кучли одам идеал инсон ҳисобланса керак. Афсуски, ёзувчи бу одамни умрбод излаб тополмай ўтиб кетиши ҳам мумкин-да...

— Адабий асарининг кучи оммавий мутлолаага қараб аниқладими?

— Адабиёт оммавий бўлиши шарт эмас. Мисол учун, Навоий яратган адабиётни тўла шарҳлай оладиган олимнинг ўзи топила-са керак. Келажакда ҳам балки шундай бўлар. Аммо Навоий асарини ўқийтган ҳам сонли одамлар ҳам бу олам, бу ҳайбат, бу қудрат қошида бош эгиб тан беришга мажбурдирлар.

— Телевидение, радио, оммавий ахборот воситалари ривожланиб, одамлар китобга қизиқмаса, ёзувчи шахсига эътибор сўйса, адабиётнинг ҳоли не кечади?

— Назаримда телевидение ва компьютер одамларни адабиётдан анча узоклаштиради. Бошқасини билимадим. Лекин бу ҳам табиий жараён. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқшинг керак. Айтишларича, ривожланган давлат-

дактикадан иборат бўлса ҳам инсон маънавий дунёсини қоллайди. Ўқувчи ўзига ўхшаган образни асарда кўрса, қўшилиб эзилади, қўвонади, ғуноҳдан қочади, ўйлайди... Ҳа, у ўйлайди. Демак инсонга бадий адабиёт сув ва ҳаводек зарур. Чунки, адабиёт авваломдан кишининг туйғуларини тарбиялайди.

Ёзувчи шахсига одамларнинг қизиқиши ёки умуман қизиқмаслиги ҳеч нарсани белгилamayди. Ахир у артист эмас-ку, ёёса ўзи учун ёзади. Ёзмаса ҳам ихтиёри.

— Собир ака, ёзувчи сифатида кўнглингизни оғритадиган нуқталар ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

— Камина, ўзим оғир табиат бўлганим билан мудом ичимда бир қарши куч яшашига иқдор бўлганман. Бу куч шундан иборатки, саводсиз одам билан ҳеч мурося қилолмайман. Яхиси уни ташлаб қочиб қоламан. Чунки у ҳамма нарсани ўзининг билимсизлигидан келиб чиқиб баҳо беради. Сени ҳам ўз фикрига қўшилишга ундайди. Саводсизлик одамзотнинг энг қатъи айби. Кейинги вақтларда олий ўқув юртларида ишю деган нарсаси бутунлай истеъмолдан чиқиб кетди. Мен ўйлайманки, шунинг ўрнини босувчи, қандайдир эркин фикрлаб ёзадиган ёзма ишларни йўлга қўйиш керак...

Шаҳардаги бола телевизорга

Сўнги пушаймон — қўнгила қўшмак

ЭССИЗ УМР...

Хонада қийиллар ҳар ер, ҳар ерда чўзилиб ётган, чийи парланиб, доғ бўлиб қолган пивёла, гиламда оёқ қийимининг қотиб қолган лой излари, пар ёстиқчининг чиқиб кетган парлари ва ниҳоят аллакочон совиб ўлтурган аёл жасади.

Ниҳоят, тинмай изланишлар, далиллар асосидagi таҳминлар ушбу жиноятни очишга ёрдам берди. Аниқланишча, Юнусобод туманида истикомат қилган, ҳеч қаерда ишламайдиган М. Вика ўз уйида бир киши билан расмий никоҳсиз яшаб келган. Бу киши «Урмоннаш» қорхонаси чилангари, илгари судланган, Спутник 8-уй, 30-хонадонда рўйхатда турган А. Яник бўлган. А. Яник қотил сифатида қўлга олинганда унинг ўзи жиноят тафсилоти ҳақида гапириб берди. М. Виканинг уйига маст ҳолда келиб, уни аямая, дод-

фарёдларига қўлоқ солмай, уриб, тепиб, оғир тан жароҳати етказган, натижада аёл ўзига келмай вафот этган.

Мана энди А. Яник қилган ишидан пушаймон бўлса ҳам темир панжара эшиклари унинг кўз олдида шарақлаб, анча йилгача очилмайдиган бўлиб ёпилади.

ИШОНМАГИН
ДЎСТИНГГА...

М. Муслим бугун уйдан бошқача кайфият билан чиқиб кетди. У ишхонасига яқинлашар экан, узокдан келаятган бир киши кўзига жуда таниш кўринди.

Шунда у бир неча йиллардан бери қўришмаган курсдошини эслади. Икки дўст қўлларини сиқийиб қўришишди. Бир-бирларидан хол-аҳвол сўраганларидан кейин нималар билан шуғулла-

наётганлари ҳақида гапирга кетишди. Ҳозирда ҳеч қаерда ишламайдиган, ТТЗ-111-ийда яшовчи К. Бехзод қаршисида турган «дўстинг» бир чўв туширсаммикан деб ҳаёлидан ўтказди. 3000 АҚШ долларига эвазига АҚШга ишлагани юбориши мумкинлигини айтди. Бу тақлиф М. Муслимни жуда ўйлантириб қўйди. Ўзи ишлаб топаятган «но-нига» қаноатланмаган М. Муслим К. Бехзоднинг тақлифига рози бўлди.

К. Бехзод пулни олишга олиб, ўзим хабар қилман деганича гойиб бўлди. Бундан М. Муслимнинг диққати ошди ва милиция ходимларига қўнғорқ қилишдан бошқа илоҳи қолмади. Тезкор ходимлар К. Бехзоднинг изига тезда тушиб, уни қўлга олишди. «Ўзингдан ўтган аёл, қаерга борсанг-ҳай», деганларидек, энди К. Бехзод ўзи пиширган беҳушлов ошни айланибми, ўргилибми ичишга мажбур.

Феруза УМРЗОҚОВА,
Тошкент шаҳри ИИББ
Матбуот маркази
жамоатчи муҳбири.

Биласизми?**ХУДО АСРАДИ**

Белград, Сербиянинг Крушевац шаҳридаги заводларнинг бирида антика ҳодиса рўй берди. 40 ёшли Святлоуб-Сосич исмли электр устаси 10 минг вольтли ток уришидан омон қолди, Вокеани кўрганларнинг хабарларига қараганда, уста ток кучининг юқориликдан 6 метр узокликка отилиб кетган. Гувоҳлар ҳалигача воқеани ўз кўзлари билан кўрганларига ишонишмаяпти. Худонинг асраганини қаранг!

САЛБИЙ РЕКОРД

Будапешт. Венгрияликлар спиртли ичимлик ичиш бўйича «рекорд» ўрнатдилар. Шифокорларнинг рақамларига эътибор берадиган бўлсак, 10 миллионли мамлакат аҳолисининг 2,5 миллиони мунтазам спиртли ичимлик ичиб турувчи ва бир миллиондан ортиги батамом арқохур экан. Улардан деярли 340 мингга яқини сурункали жигар ва буйрак касалликларидан азоб чекомда.

ТЕЛЕФОН - ГАЗЕТА

Пекин. Хитойликлар энди газетани уяли алоқа телефонлари орқали ўқий оладиган бўлишди. Эндиликда «Чжунго фюню бао» (Хитой аёллари) газетаси хабарлари телефон экранчаларида махсус рангли СМС курилмалари орқали намоён бўлади. Телефонда СМС курилмалари бор кишилар эса мамлакат бўйича ҳозирда 4,5 миллион кишини ташкил этади.

ФРАНЦИЯДА ЮҚОРИ ҲАРОРАТ КУЗАТИЛМОҚДА

Францияда иқлимнинг кескин ўзгариши натижасида ноқулай об-ҳаво юзага келди. Мутахассислар бу ҳолатни экологик вазиятнинг бузилиши натижасида атмосферада рўй бераётган жүгрофий-физикавий ҳодисалар билан изоҳламоқда. Ҳукумат куннинг ҳаддан зиёд қизиши одамлар соғлиғига зарар etkazмаслиги учун барча зарур чораларни кўришини маълум қилди.

Франция соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазири Филипп Дуст-Блазининг маълум қилишича, айни пайтда мутасадди шахслар ва мутахассислар вазиятни назорат остига олган. Улар ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқаётир.

Ҳукумат хавотирига асос бор. Ўтган йили об-ҳаво ноқулай келиши Франция учун талай салбий оқибатларни келтириб чиқарган эди. Бу йил шундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган.

Маълумотларга кўра, ҳозирча шифохоналарга об-ҳаво таъсиридан шикоят қилиб келаётганлар кўп эмас. Шунга қарамай, Франциянинг барча шошилишч тиббий ёрдам муассасалари ва марказий касалхоналарида зарур чоралар кўриляпти.

Олимпиада**ОҚ ЙЎЛ, ОЛИМПИАДАЧИЛАР!**

Греция пойтахти Афина шаҳрида XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига санокли кунлар қолди. 3 август куни мамлакатимизнинг Олимпиадада иштирок этадиган дзюдочи ва сузувчилари жамоалари Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда Миллий Олимпия кўмитаси вакиллари ҳамроҳлигида Афинага жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида олимпиячиларимизни тантанали кузатиш маросими бўлди.

— Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, медал олиш спортчининг кўп йиллик меҳнатлари самарасидир, — деди Ўзбекистон дзюдо жамоаси мураббийси Армен Багдасаров ЎЗА мухбирига. — Буни мен 1996 йили Атланта Олимпиадасида кумуш медал олганимда жуда яхши ҳис қилганман. Энди мураббий сифатида спортчиларимизни спорт оламининг энг нуфузли мусобақасига тайёрлашга ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

— Осиё чемпионатида голиб чиқиб, Олимпиада йўлланмаси-

ни кўлга киритдим, — деди дзюдочи Рамзиддин Саидов. — Энди навбат Олимпиада ўйинларига. Менинг вазнимда Япония, Россия, Франция ҳамда Германия дзюдочилари анча кучли рақиб ҳисобланади. Лекин мусобақаларга ким пухта ҳозирлик кўрган бўлса, ўша ғалаба қозонади. Насиб қилса, юртимизга ёруғ юз билан қайтамыз.

Спортчиларимизни Афинага кузатиш маросимида иштирок этган спорт мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мухлислар олимпиячиларга омад тилаб қолди.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
ЎЗА мухбири

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тadbirkorлар ва
муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз назардон, иқтисодчи, тайёрта тўла ёшларимиз. Бизга фидойи Сизнинг таъбири ва кўмагиниз етимаганимиз.
Ҳайрат ва таъжуби билан таъриф вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



TOSHKENT
SHAHAR
BO'LOMOT



Тошкент шаҳар “КАМОЛОТ”и тadbirkorларга “Ишлаб топ” ижтимоий акциясида феола иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини тақдиф қилади.
Кўшимча маълумотларини

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.
Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тadbirkorларга “Тасвир” нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТАБИЙ ГАЗДАН
ФОЙДАЛАНУВЧИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

2004 йил 1 августдан табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2004 йил 26 июлдан тасдиқланган янги тарифлар жорий қилинади.

Иситиш газ асбобидан қатъи назар, аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларини яқка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи иситиш мавсумининг беш ойи мобайнида ҳар бир ой учун тенг миқдорда белгиланади.

Иситиладиган майдон метри бир кишига 43 метр куб ҳисобида белгиланган.

Иситиладиган хонанинг метри ҳажминини (1 кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ миқдори белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Иситиладиган хонанинг метридан юқори бўлган ҳажми учун газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобида ҳақ тўланади.

1. ТАБИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШДА АҲОЛИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ТАРИФЛАР:

№	Истеъмолчилар турлари	Стандарт	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилган аҳоли хонадонларига бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м³	79,87
1.2	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ: Овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	—/—	10 м³	138,00
	Иситиш учун	—/—	10 м³	64,00

2. КОММУНАЛ-МАИШИЙ ЭҲТИЁЖЛАР УЧУН ТАБИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШДА ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ АСБОБЛАРИ ЎРНАТИЛМАГАН ХОНАДОНЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ТАРИФЛАР (ГОСТ 5542-87):

№	Истеъмолчи тавсифномаси	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўлов (сўм)	
			йиллик	ойлик
2.1	Марказий (яқка) иссиқ сув таъминотида эга бўлган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 11 м³	1821,60	151,80
2.2	Марказий иссиқ сув таъминотида эга бўлмаган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 15 м³	2484,00	207,00
2.3	Марказий иссиқ сув таъминотида эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти-вақти билан таъминланган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун газли сув иситтич	1 кишига 16 м³	2649,60	220,80
2.4	Иситувчи газ асбобининг туридан қатъи назар уйлар яқка тартибда иситиладиган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан тақвим йил мобайнида бир маромда фойдаланиш учун газли сув иситтич	Хонанинг 1 м³ га 5,76 м³	184,30	36,86

ЭСЛАТМА: 2004 ЙИЛ 11 АВГУСТГАЧА ГАЗ ҲАҚИ ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ КЎРСАТКИЧИ БЎЙИЧА ЭСКИ (10 М³ - 69,45 СЎМ) НАРХ ҲИСОБИДА ОЛИНАДИ. 2004 ЙИЛ 11 АВГУСТДАН БОШЛАБ ГАЗ ҲАҚИ ЯНГИ ТАРИФ БЎЙИЧА ОЛИНАДИ.

«Тошкентшаҳаргаз» ХИТ корхонаси



Осиё

Чемпионат

ЯПОНИЯ ВА ХИТОЙ — ФИНАЛДА

Кеча Хитойда футбол бўйича XIII Осиё чемпионати ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди.

Дастлаб майдонга Япония ва Бахрайн терма жамоалари тушди. Ушбу жуда кескин ва мурасиёз беллашувада галабага Бахрайн футболчилари жуда кўчирди. Хатто ўйин охирида улар ҳисобда олдинда борган бўлсалар-да, бироқ бу гал ҳам омад японларга кулиб бокди.

Учрашувнинг асосий вақти 3:3 ҳисобида тугагач, футболчилар кўшимча 30 дақиқалик икки бўлимда ғолибни аниқлаш мақсадида тўп сурдилар. Кўшимча вақтда киритилган тўп японларга галаба келтирди ва кўнчалар мамлакат футболчилари финал баҳсида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Иккинчи ўйин Хитой ва Эрон терма жамоалари ўртасида кечди. Пекиндаги «Ишчилар» стадионини лиқ тўлдирган 66 минг нафар ишқубознинг деярли барчаси майдон эгаларини қўллаб турган бўлса-да, уч қарра Осиё чемпиони бўлиши Эрон термаси чиройли ўйин кўрсатди.

Ўйиннинг биринчи бўлимида хитойликларнинг бир оз ус-тунлиги сезилиб турди. Бу 18-дақиқада Эрон терма жамоаси дарвозасининг забт этилишига олиб келди.

37-дақиқада эронлик ҳужумчи Саид Мухаммад Алавий қийин вазиятдан бўлса-да, аниқ ва кучли зарба билан ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Биринчи бўлим шу ҳисоб билан ниясига етди.

Иккинчи бўлим бошларидан эронлик Саттор Зорий майдондан чиқариб юборилганига қарамай беллашув тенг курашлар асосида ўтди. Ҳакам томонидан белгиланган 3 дақиқалик кўшимча вақтда Али Бадавийнинг бўш дарвозага тўп ура олмагани эронликларнинг сўнгги имкониятини пучга чиқарди.

Шундай қилиб кўшимча вақтда ҳам ҳисоб ўзгармагач, гал 11 метрликлар баҳсида келди. Гарчи хитойлик футболчилар иккинчи зарбани аниқ бера олмаган бўлсалар-да, охириги икки пенальтидан тўп киритолмаган Эрон термаси 4:3 ҳисобида мағлубият аламини тортди.

7 август куни Пекиндаги «Ишчилар» стадионида Япония ва Хитой терма жамоалари чемпионлик учун кураш олиб боришди.

Эрон ва Бахрайн жамоалари эса учинчи ўрин учун баҳс юритишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Футбол

Аввал хабар берганимиздек, Рауф Иниев бош мураббийлиги остида жорий йилнинг кузида Малайзияда ўтадиган Осиё чемпионатида жиддий ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон ёшлар жамоаси Симферопол шаҳрига ўқув-машғулот йиғинлари уюштириш учун жўнаб кетган.

СИМФЕРОПОЛДАН ГАЛАБА БИЛАН

Сафар давомида ёшларимиз иккита ўртоқлик учрашувида куч синашишди. Дастлабки баҳсда Ялта шаҳар термасини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учрата олган Рауф Иниев шогирдларига «Таврия» жамоаси билан уюштирилган иккинчи учрашув ҳам омад келтирди. Ҳужумкор, тезкор ва шиддатли кечган беллашув 1:0 ҳисобида ўзбекистонликларнинг галабаси билан якунланди. Хуллас Симферополдаги иккита назорат учрашувини сермазмун ўтказиб галаба нашидасини сурган ёш футболчиларимиз юртимизга ёруғ юз билан қайтишди.

Табият ажойиботлари

ДЕЛЬФИН НАФАС ОЛАДИМИ?

Ер юзидаги барча жонотлар — бактериядан то инсонгача турли-туман, хаттоки ақл бовар қилмайдиган шароитларда яшашга мослашган.

Масалан, кит, кашалот, дельфин каби сут эмизувчилар, сув тошбақаси ва сув илони одатда ўпка орқали нафас олсада, бироқ сувга шўнғиганида нафас олиши тўхтабди. Бинобарин, танага кислород ҳам кирмайди. Шунга қарамадан бундай ҳайвонлар сув остида бир неча соатгача сузишлари мумкин. Қандай қилиб мазкур ҳайвонлар ана шундай ноқулай вазиятни енгади, яъни улар бундай шароитга қандай мослашади?

Гап шундаки, сувга шўнғигандан олдин уларнинг қони ва тўқималаридаги гемоглобин ҳамда миоглобин оксигенлари ўзига кўп миқдорда кислород бириктириб олиш хусусиятига эга. Сув остига тушган жониворлар ана шу кислород захирасини ниятда эҳтиётлик билан сарфлашга мажбур бўладилар. Хўш, бунга улар қандай эришади? Сувга шўнғиган жониворларда юрак уриши олти баробар камайди, бу эса модда алмашиш жараёнини пасайтиради, нафас олиш ўқтин-ўқтин амалга ошади, сув бетига чиққандан кейин барча жараёнлар тикланиб, дастлабки ҳолига қайтади.

Шуни таъкидлаш керакки, сувга шўнғиган одам ёки ҳайвон қаттагина босим остида бўлади. Қанчалик чуқурликка тушса босим шунчалик ортиб боради. 10 метр чуқурликда икки баробар, 30 метрда тўрт баробар босим ортади. Ана шундай чуқурликдаги одамнинг нафас олиши учун ўпкага борадиган ҳаво ҳам худди шу босим остида ҳайдалиши

керак. Ҳаво таркибидаги кислород ҳам, азот ҳам қонда ва ички аъзо тўқималарида эрийди. Газнинг босими қанчалик юқори бўлса, у шунча яхши эрийди. Демак, сув остидаги одам қони ва тўқималари ҳаво таркибидаги газга, асосан азотга тўйинган бўлади.

Сувга шўнғиган одам қуруқликка чиққанида қандай ҳолига рўй беради? Тана суюқлигидаги юқори босим ҳаво босимига тенглашади, натижада қон ва тўқималардаги ортиқча газ шиддат билан ажралиб чиқа бошлайди. Шиша идишдаги газли ичимлик қандай отилиб чиқса, одам қони ҳам худди шундай қайнаб чиқади. Бундай ҳолига кўпинча одамнинг ҳалок бўлишига олиб келади, жуда бўлмаганда оғир касалликка чалинади. Одам қанчалик чуқурликка тушган бўлса, шунчалик секинлик билан сув бетига кўтарилиши керак.

Бир неча ўн метр чуқурликда сузиб юрган дельфин эса сув бетига отилиб чиқади, бунда у ҳеч қандай касалликка чалинмайди. Бунинг сабаби шундаки, дельфин сувга шўнғигандан олдин атиги 2-3 литр ҳаво олади, ҳалос. Демак, бунда жонивор қанчалик теранликка тушса ҳам парво қилмайди, чунки 2-3 литр ҳаво жонивор қонининг босимига унчалик таъсир этмайди. Одам эса анчагина ҳаво захираси билан сувга шўнғийди, бинобарин кишининг қони газ билан яхшигина тўйинган бўлади.

Яхё ДАВЛАТОВ,
биология
фанлари доктори.

АЗАЛИЙ РАҚИБЛАР «СУЛҲ» ТУЗИШДИ

Олий лига жамоаларининг жорий йили XIII миллий мамлакат чемпионати иккинчи давра учрашувларини бошлашларига ҳам оз фурсат қолди.

Шуни таъкидлаш жоизки, биринчи давра учрашувларини муваффақиятли ўтказиб турнир жалвалида қарвонбошилиқ қилаётган пойтахтнинг бош жамоаси «Пахтакор» оралиқ танафус чоғида ўқув-машғулот йиғинларига зўр берди, бир неча жамоалар билан ўртоқлик учрашувларида куч синашди.

Собиқ пахтакорчи, иқтидорли мураббий Ислон Аҳмедов етакчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси билан уюштирилган ўртоқлик учрашувида тошкентлик-

ларнинг қўли баланд келди. Ҳужумкор ўйин намойиш этган пахтакорчилар мурасиёз баҳсда 5:2 ҳисобида зафар кучишди.

Шунингдек, азалий рақиблар ҳисобланмиш «Пахтакор» — «Навбахор» ўртасида уюштирилган назорат учрашуви айтиш жоизки, бир неча иқтидорли, ёш футболчиларга ўз маҳоратларини синовдан ўтказиш имконини берди. Мурасиёз ва қизиқарли кечган баҳсда азалий рақиблар «сулҳ»га рози бўлишди. Учрашув 2:2 ҳисобида якунланди. «Навбахор» жамоаси дарвозасига тўпларни пахтакорчилардан Владислав Кирийн 45, Зайниддин Тожиёв 87-дақиқаларда киритишди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Иттифоқо, бозор-ўчар баҳона шахримизнинг энг гавжум бозорларидан бири саналган Кўйлик бозорига бориб қолдим. Деҳқон бозорига кирарганида 17-18 ёшлардаги бир йигит атрофига бир тўда ишқибозларни тўплаб олиб шарча айлантирарди. Ўтга темир қопқоқни эпчиллик билан айлантираркан, ичидаги шарчани топанга ўзича ютук белгилар, ютқазган эса бурнини тишлаб қолаверарди. . .

Муноҳаза

ФИРИБГАРЛАР НАЙРАНГИГА ИЛИНМАНГ

Шу пайт соддагина, афтидан шу ўртада нимадир сотаётган бир аёл «Шарча мана бунининг тагида», дея бақириб юборди. «Тўғри, кеннойи, тўғри, сиз ютдингиз», — деди ҳалиги йигитнинг олдидан турган ўрта ёшлардаги киши.

— Мен ютдим, — азбаройи ҳаяжонланиб ташланди аёл.
— Кеннойи, 5 минг беринг, сизга 10 минг сўм қайтараман, — деди йигит хотиржам.

Аёлнинг севинчи ичига сизмасдан ёнини кавлаб 5 минг чиқарди, аммо минг таассуфки, у кўрсатган темир қопқоқ остида ҳеч қандай шарча йўқ эди.

— Сиз ютқаздингиз, кеннойи, — ўйинбоши йигит янаям хотиржам гапирди. У аёл узатган пулни аллақачон қўнтағига жойлаб ултурганди.

— Ахир, шарча ҳозиргина мана шу қопқоқнинг тагида турганди, — йиғламоқдан бери бўлган аёл титраб кетди, — ёнимдаги бор пулимдан ҳам айрилмаманми ҳали?!

— Сизни ҳеч ким мажбурламади!
— Ҳозирок пулимни қайтариб бер, муттаҳам, сенга айтапман! Сен мени алдадинг!

Шу пайт ўйинбоши йигит бир чеккада қолиб, уни қўрғонлаб турган «ўз одамлари» боғли икки киши ва бир аёл жабрдийдага ташланишди.

— Э-э, эпласанг ўйнагин, эди-да! Бошимга келиб шанғиллама! Қарахт бўлиб қолган аёл атрофига жавдираб қаради, кўзларига ёш келди.

— Уйга нима деб бораман? Нега мени алдайсизлар? Виждонсиз ёлғончилар!?

— Алданган фақат сенмас! Мениям шип-шийдон қилишди бу аблахлар! Тезроқ «учаскавога-га» учрашиб қаллобларни фош қилиш керак.

Иккала аёл қасққадир чопқиллаб кетишди.
— Аёл кишига бало борми ўйнаб? — энаси қотди ёши ултурок аёлнинг.

— Кеча бир нодон 40 мингга тушиб ўтирибди, ошна, картошка олиб келган қопини кучоқлаганча қолди.

Узоқда тартиб посбонининг қораси кўрингач, ҳалиги фирибгарлар тўдаси яшин тезлигида тарқалди. Жабрдийдалар чувиллашиб қолди.

— Кўрсичқоннинг кўзини чиқарди бўлар, ҳозир мана бир зумда кўздан йўқолишди, эрталаб Кўйликда, пешинда Чорсула, кейин яна аллақасқларда одамларни алдаб пул ишлалашди.

Қизиқ, йиғилганлар бежиз қунончиб гапиримашди чоғи. Ахир, деярли ҳар кун бозор-ўчаларда халқни алдаб қаллоблик қилаётган фирибгарларнинг фаолиятига бутунлай чек қўйиш наҳотки қийин бўлса?! Кимдир бировнинг пулига оппа-осон эгаллик қилиб таралло қилса-ю, кимдир бор-будидан айрилиб аза турса? Сиз бунга нима дейсиз?

Мадина ИРМАТОВА



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилмиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
2812 нускада босилади. Қотди биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Намр кўрсаткичи — 563

Нашрия етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиб на шайфаланган.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа ақшадорлик компанияси бошқармаси.
Қорхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.